Toshkentning 32 minorali darvozalari qadim Shosh tarixining bezagidir

Мозий — ҳақиқат тарозуси

Қадимги даврларданоқ шаҳарнинг катта дарвозалари олдида турли йиғинлар, шаҳарга келган нуфузли меҳмонларни кутиб олиш маросимлари ўтказилган. Шунингдек, шаҳар дарвозалари стратегик аҳамиятга эга бўлган. Асрлар давомида мазкур дарвозаларнинг кўриниши такомиллашиб, айниқса, арк билан қурилиши уларга ўзгача салобат берган.

ТОШКЕНТНИНГ 32 МИНОРАЛИ ДАРВОЗАЛАРИ

қадим Шош тарихининг безагидир

Ҳикмат ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

Жаннат ИСМОИЛОВА,
Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори

Ўрта асрларда бир оз мураккаб техникага эга кўтарма дарвозалар қурила бошланган. Уларнинг безаги мамлакатнинг анъаналари, диний қадриятлари ва тарихий саналари билан боғлиқ бўлган.

Тошкент қулай географик ҳудудда, яъни Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан савдо-сотиқ йўли чорраҳасида жойлашгани туфайли бу ерга савдо

"XVIII асрнинг охирларида шаҳар мудофаа деворининг баландлиги салкам 8 метр, тепа қисмининг кенглиги 2 метргача бўлган. Девор айланасининг узунлиги 18,2 км, шаҳарнинг умумий майдони эса 26,4 кв. км.ни ташкил этган", деган маълумотлар мавжуд.

Шаҳар девори яроқсиз ҳолга келиб, қайта қуришни талаб қилгани боис, XIX асрнинг ўрталарида Қўқон хонлиги даврида хон ноиби Беклербеги томонидан Тошкент мудофаа деворлари ва дарвозалари таъмирланди. Бу вақтда девор баландлиги 10 метрдан ошиб, юқори қисмида душманга ўқ отиш учун кўплаб шинаклар очилган эди. Шаҳар мудофаа деворининг 12 та дарвозаси (Тахтапул,

оғзаки нутқда "камолон" талаффузида етиб келган. Тарихдан маълумки, Тошкентда ясалган ўқ-ёйлар Шарқда "Камони Шоший" номи билан машҳур бўлган ва Шарқ адибларининг асарларида таърифланган.

12 дарвозанинг ҳаммаси катта йўл устида қурилган бўлиб, барчаси мустаҳкам, қаттиқ ёғоч — тоғ арчасидан ясалган ва уст томонига нақшинкор безаклар берилган. Ҳар бир дарвозанинг жуфт ҳалқалари, калитлари бўлган. Калитлар дарвозабонлар қўлида сақланган. Дарвозабонлар дарвозаларни тонгда очиб, қуёш ботганда беркитганлар. Ёпилганидан сўнг уларни очишга ҳеч кимнинг ҳаққи бўлмаган. Фақатгина шаҳар ҳокимининг ўта зарур фармойиши билангина дарвозаларни очишга рух-

Ҳақиқатан ҳам Тошкент шаҳри аксарият маълумотларда яшил шаҳар сифатида таърифланади. У ташқаридан кириб келаётган одамга боғларга бурканган гўзал шаҳар сифатида намоён бўлган.

XIX асрда Тошкентга келган татар савдогари Шубай Арслонов Тошкент ҳақидаги маълумотларни келтириб, шаҳарнинг ўша даврдаги ташқи ва ички манзарасини қуйидагича тасвирлайди: "Тошкент шаҳри қалин пахса девор ва зовурлар билан ўраб олинган. Шаҳар катталиги жиҳатидан Қозон шаҳрига тенг келади. Унинг ўн икки дарвозаси бор. Шаҳарда боғ ва масжидлар кўп. Катта масжидларда кўпчилик бўлиб намоз ўқиганлар. Дарвозалар олдида алоҳида миршаблар туради. Уларда тўп йўқ, узоққа отадиган милтиқлар бор. Бундай милтиқлар Тошкентда ясалади. Шаҳарни ўн икки киши-

дан ташкил топган кенгаш бошқарган. Ҳукумат қарор-